

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**Мутолаа байрами**

**ТОШКЕНТ-2005**

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**Мутолаа байрами**  
Методик-библиографик қўлланма

**ТОШКЕНТ-2005**



## Муқаддима

**Агар ёлғиз эрсанг, ҳамдам китобдир,  
Билим субҳидаги нур ҳам китобдир.  
Донолар бисотидан**

Китоб жамиятимиз ва руҳиятимиз озуқаси, у билан дўстлашиш кишини на фақат юксалтиради, балки жаҳонни танитади, ҳамроҳлик қилади, эзгуликка етаклайди.

Ҳозирги ахборот асрида, турли воситалардан турфа хил хабарлар олиш мумкин. Аммо китоб мутолааси билан ҳам шуғулланиш жуда зарур ҳисобланади. Китобхонлик кишидан муайян кўникмадан ташқари зеҳнлиликни ҳам талаб қилади. Шундай экан, китоб ўқиш киши онги ва фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Дарҳақиқат буюк рус ёзувчиси М.Горький айтганидек, «Маданиятли кишини тарбиялашда, айниқса икки кучнинг: санъат ва фаннинг аҳамияти катта. Бу иккала куч китобда жонланган».

Китоб бу бебаҳо хазина, уни мутолаа қилиш лозим. У тафаккурни ўстиради, ақлни изланиш ва ходисаларни таҳлил қилишига ёрдам беради.

Кутубхоналарда китобхонлар қизиқишини, китоб ўқиш маданиятини янада ривожлантириш учун йил давомида турли тадбирлар ўтказиб туриш лозим.

Биз қуйидаги қўлланмада кутубхона ходимлари учун шундай тадбирларни ўтказишда керакли бўлган маълумотлар ва кўрсатмаларни беришга ҳаракат қилдик.

Республикамызда 2 йилдан бери ўтказиб келинаётган «Мутолаа байрами» тадбирларидан қисқача ахборотлар ҳам берилмоқда.

## МУТОЛАА БАЙРАМИ

Мутолаага берилиш–турмушда содир бўлиб турадиган зеркиш соатларини чексиз хузур-халоват соатларига айлантиришидир.

Ш.Монтескье

«Агар кутубхона бўлмаганда эди, дейди машхур кутубхонашунос Л.Б.Хавкина, нашр этилган мавжуд китоблар ҳамма томонга тарқалиб кетиб, комета сингари вақт ўпқонига сингиб кетарди ва улардан фақатгина библиографик маълумот қолиб, китобларсиз бу маълумотлар қабрга қўйилган тошларга ўхшаб қолар эди».

Дарҳақиқат, китоб - бу инсон ақл заковатидан пайдо бўлиб, доимо унинг хизматида бўлган, унинг ҳаётини, дунёдаги воқеа-ҳодисаларни акс эттириб аждодларга етказиб келган битмас-туганмас ахборот манбаидир.

Китоб ўзининг мўъжизакор ва сеҳрли кучи билан неча-неча асрлардан буён элга маърифат, маънавият ва зиё таратиб келаётгани учун ҳам у ниҳоятда катта таъсир кучига эга ва қадрлидир.

Инсон бутун умри давомида китоб билан ҳамкор ва ҳамнафасдир, тарихда одамлар, қабилалар, ҳатто буюк давлатлар ҳам йўқ бўлиб кетган, лекин китобда уларнинг ҳаёти сақланиб қолган. Буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний ахборот турларидан бири, балки муҳимроғи китобат ёзувидир, агар у бўлмаганда, қадимий воқеалар, илмлар ҳақида маълумотларга эришиб бўлмас эди, деб ёзади.

Ҳужжатларни йиғиш ва сақлаш ҳамда жамият фуқаролари талабини қондириш бу кутубхонанинг бош вазифаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда кутубхоналар китобхонларга хизмат кўрсатибгина қолмай, балки кутубхонада турли тадбирлар ва байрамлар ўтказиш доимий ишга айланиб бормоқда. Кутубхоналарда китобни тарғиб этиш мақсадида кутубхона ходимлари турли усуллардан фойдаланадилар. Масалан китоб кўргазмаси, китобхонлар анжуманлари, турли учрашувлар, китоб тақдимотлари, турли кечалар, китобхонлик кунлари шулар жумласидандир.

Барчамизга маълумки, республикамызда «Китобхонлик кунлари» байрамини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

Ана шу байрам ҳар йили куз фаслида республикамызнинг барча кутубхоналарида ўтказилиб келинмоқда.

Кутубхоналар ижтимоий жиҳатдан муҳим маскан бўлиб, улар жамиятдаги барча катта-ю кичик аҳолига хизмат қилади, китобхонларнинг талаб ва таклифлари бўйича иш олиб боради. Республикамыз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Ана шу ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда кутубхоналарнинг ўрни ҳам беқиёсдир.

Кутубхоналарда ўтказиладиган турли мавзудаги тадбирлар ҳам, шу мақсадга қаратилган, десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон Кутубхоналар ассоциацияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва бошқа бир қанча ташкилот ва марказлар ҳамкорлигида 2003 йил 20 сентябрдан то 30 сентябргача

республикамызда «Китобхонлик куни» деган умумий ном остида туркум тадбирлар ўтказилди.

Бундан кўзланган мақсад республикамыз китобхонларининг, биринчи навбатда, ёшларимизнинг мутолаа маданиятини кўтариш, китоб тарғиботини жонлантириш, ахборот олишнинг янгича технологиялари билан аҳолининг кенг қатламларини таништиришдан иборат.

2003 йил 20 сентябрь куни Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона базасида ташкил этилган Ёшлар ахборот ресурслари маркази томонидан катта тадбир ўтказилди. Тадбирда Ҳамза тумани №145 мактаб ўқувчилари ва китобхонлар қатнашдилар. Кутубхонанинг ёшлар ўқув кироатхонасида турли мавзуда кўргазмалар ташкил этилди. Шу куни «Нима? Қаерда? Қачон?» ўйини бўлиб ўтди. Унда «Нима? Қаерда? Қачон?» клубининг шаҳар Президенти Роман Алиев иштирокчиларни табриклаб ўз истакларини билдирди.

Кутубхонада бундан ташқари яна давра суҳбатлари, турли танловлар ўтказилди. Энг муҳими «Китобхонлик кунлари» китоб ўқишга қуруқ даъват қилиш билан ўтмади, десак муболаға бўлмайди.

2004 йил сентябрь ойида ҳам «Китобхонлик кунлари» байрами республикамыз миқёсида ўтказилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам мутолаа байрами жуда қизиқарли тадбирлар билан ўтказилди.

«Китобхонлик кунлари»да кутубхонанинг барча бўлимлари фаол қатнашдилар.

20 сентябрдан 29 сентябргача кутубхонада турли тадбирлар ўтказилди.

Ёшлар ахборот ресурслари маркази ва хизмат кўрсатиш бўлимида китобхонлик кунларида турли кеча, билимдонлар беллашуви, давра суҳбатлари, турли мавзуда кўргазмалар ташкил қилинди. Жумладан китобхонларга “Қизиқарли библиография” (“Увлекательная библиография») интеллектуал ўйини жуда ёқди. Унда кутубхона ходимлари ўртасида библиография соҳасига тегишли қизиқарли савол-жавоблар бўлди.

Бадиий илмий-тадқиқотлар маркази «Sanyikz» ногирон болалар ижодидан ташкил топган расмлар тақдимотини ўтказдилар. Унда 50 дан ортиқ иш тақдим этилди.

Болалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Байрам кунларида 150 дан ортиқ ўқувчи ва китобхонлар кутубхона бўйлаб саёҳат қилдилар.

Китобхонлик кунларида кутубхонанинг ҳар бир бўлими ўзининг тадбир ва кўргазмалари билан фаол катнашдилар.

«Китобхонлик кунлари» республикамиз вилоятлари кутубхоналарида ҳам ўтказилди.

Андижон вилояти Бобур номидаги универсал илмий кутубхонасида вилоятдаги бошқа кутубхоналар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда «Китобхонлик кунлари» байрами ўтказилди. Жумладан, Андижон давлат университети, Андижон давлат тиббиёт институти, Андижон давлат муҳандислик ва иқтисодиёт институти билан ҳамкорликда махсус тадбирлар режаси асосида «Китобхонлик кунлари» ўтказилди. «Китобхонлик кунлари»да ҳафтанинг бир куни, масалан, душанба куни Андижон давлат тиббиёт институти, чоршанба куни Андижон Давлат муҳандислик ва иқтисодиёт институти, жума куни Андижон

давлат университети талабалари учун белгилаб олинди. Бунда ҳар бир институтнинг 1- босқич талабалари учун кутубхона бўйлаб саёҳат уюштирилди, улар кутубхонанинг ҳар бир бўлимлари билан, мавжуд китоб жамғармалари билан таништирилди, ўқув залларида ташкил этилган «Халқ ва Ватан тақдирига дахлдормиз», «Меҳроқибат – инсонпарварлик бўғини», «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг омили» мавзусидаги китоб кўргазмалари билан танишдилар.

Шунингдек, талабалар билан «Меҳр кўзда», «Терроризм – кимнинг манфаатларига хизмат қилади» мавзуларида 2-сон болалар уйи тарбияланувчилари билан биргаликда давра суҳбатлари уюштирилди. Бундан ташқари Бобур номидаги вилоят универсал илмий кутубхонасида Андижон вилоят Маънавият ва маърифат маркази ва Андижон давлат университети билан ҳамкорликда, Андижон вилоят телевиденияси, «Андижоннома» ахборот кўмаги остида «Инсонпарварликда янги қадам» мавзусида китобхонлар конференцияси ўтказилди. Конференция 85 нафар талабалар ва китобхонлар иштирокида Маънавият ва маърифат маркази етакчи мутахассиси Усмонжон Аҳмедовнинг «Ёшлар тарбиясида илм-маърифатнинг тутган ўрни», Андижон давлат университети толиби Мансуров Икромжоннинг «Маънавият ва маърифат ҳалокатдан қутқарувчи куч», Университетнинг Филология факультети талабаси Холиқова Шахнозахонларнинг «Маънавият ва давр» мавзуларидаги маърузалари китобхонлар ўртасидаги қизгин баҳс-мунозаралар билан кўтаринки руҳда ўтди.

Бир ҳафтага мўлжалланган «Китобхонлик кунлари» давомида 10 та турли мавзуларда қизиқарли тадбирлар ўтказилди. Натижада кутубхона жамғармаси-

даги 322 нусха адабиётлар 150 нафар янги китобхоналарга- ўз мухлисларига етказилди.

Бухоро вилоятида ҳам 2004 йил сентябрь ойида «Китобхонлик кунлари» муносабати билан турли тадбирлар ўтказилди. Тадбирларнинг мақсади билим манбаи бўлган китобни севиш, ўқиш, танлаб олиш ва ўқиш маданиятини шакллантириш, ёш авлодни кутубхоналарга кўпроқ жалб қилиш, маънавий ва мафкуравий тушунчаларни бойитиб боришдан иборат.

Вилоятда «Энг яхши китобхон» вилоят китобсеварлар кўрик-танлови ўтказилди. Танлов 2 босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичи барча туман ва шаҳар кутубхоналарида ўтказилди. Абу Али ибн Сино номидаги вилоят универсал илмий кутубхонасида бўлиб ўтган иккинчи босқич кўрик-танловда туман ва шаҳар кутубхоналарида биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритган 12 китобхон иштирок этди.

Кўрик танлов 10 та шартдан иборат, булар:

1. Китобхон формуляри бенефиси.
2. «Китоб ва китобхонлик» (Анкета).
3. «Мардона ҳаёт абадийдир» (Жадид маърифатчилиги даври ўзбек адабиёти).
4. XX-XXI аср ўзбек адабиёти (Асарларнинг намуналари).
5. Дунё адабиёти (Викторина).
6. «Ўлкам – Шарқ дурдонаси» (Савол-жавоб).
7. Меҳр-мурувват – инсон зийнати (Алломалар меросидан).
8. Ўлкамизнинг навобахш ижодкорлари.
9. Шеърхонлик баҳси.
10. Эркин мавзу.

Кўрик-танлов якунида учта фаол китобхон ғолибликни қўлга киритди. Китобхонлик кунларида

ўрта ва олий ўқув юртлари талабалари, болалар боғчалари тарбияланувчилари учун кутубхоналар бўйлаб саёҳатлар, китоб кўргазмалари, китобхонлар конференциялари, турли мавзуларда кечалар ташкил этилди.

Абу Али ибн Сино номидаги вилоят универсал илмий кутубхонаси томонидан 9600 сўмлик лотин алифбосидаги янги бадиий китоблар Бухоро шаҳридаги 27-сон махсус болалар интернати кутубхонасига тақдим этилди.

Вилоятнинг Когон ва Жондор туманларида «Китобхонлик кунлари» байрамига жуда яхши тайёрланиб кенг кўламда ўтказилди.

Бухоро вилоятида ўтказилган китобхонлик кунлари ёшларнинг қизиқишини ўрганиш, тарбиялаш, ўқиш ва касб танлашда кўмаклашади деб умид қиламиз.

Китоб инсонни камолот чўққисига элтадиган чашмадир. Китобга меҳр болаликдан, айниқса эртак ўқишдан бошланади,. Шундай экан китобхон 7 ёшдан 70 ёшгача, ундан ҳам улуғ ёш бўлиши мумкин. Уларнинг талабларига ва сўроқларига жавоб бериш кутубхона ходимлари олдидаги катта вазифадир.

Нодира номидаги Наманган вилоят универсал илмий кутубхонасида 2004 йил 20 сентябрда «Китобхонлик кунлари» ўтказилди. Адабиётлар тарғиботининг илғор оммабоп усулларида бўлган китоб кўргазмалари ташкил этилди. Байрам муносабати билан кутубхонага ярим асрдан буён аъзо бўлган китобхонлар тақлиф этилдилар.

Наманган давлат университетининг филология факультети ва Маданият коллежининг фаол китобхонлари иштирокида Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зухра» номли асари асосида «Бир китоб муҳокамаси»

бўлиб ўтди. Тадбирда ушбу асарга бағишланган сахна кўринишлари ва қизиқарли савол-жавоблар, муҳокама-лар бўлиб ўтди. Тадбирга яна «Ўзбек прозасининг ёрқин юлдузи» деб номланган китоб кўرғазмаси ташкил этилган.

«Китобхонлик кунлари» муносабати билан ўтказилган тадбирлардан сўнг иштирокчилар учун Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асарининг кино-фильми кўрсатилди.

Хоразм вилояти Қурбон ота Исмоилов номидаги универсал илмий кутубхонасида ҳам 7-8 сентябрь кунлари «Китобхонлик кунлари» байрам тадбирлари ўтказилди. Байрамда Урганч шаҳрида жойлашган академик лицей ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Шу кун китобхонлар аввало кутубхона бўйлаб саёхат қилиб, ҳар бир бўлимнинг иш фаолияти билан танишиб чиқдилар, уларга маълумот-библиография бўлими томонидан «Воҳамиз тўғрисида нималарни ўқиш керак», «Асрлар оша барҳаёт», «Меҳр мурувват маҳалладан бошланади» каби мавзуларда адабиётларнинг тавсия рўйхати тақдим этилди.

Шундан сўнг китобхонлар билан «Кутубхона – тараққиёт, маданият ва саодат» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Китобхонлик кунлари муносабати билан вилоятдаги Хива, Хонқа, Урганч, Қўшқўпир, Шовот туманларида ҳам турли тадбирлар ўтказилди. Хива туман марказий кутубхонасида 17 сентябрь кун Ичанқалъа музей кўрикхонаси илмий ходимлари билан «Аждодлар мероси тарих кўзгуси» мавзуси бўйича тадбир ўтказилди. Китобхонлар кутубхона фаолияти билан яқиндан танишдилар. Тадбир китобхонларни кутубхонага бўлган қизиқишини янада орттирди.

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг “Автоматлаштириш ва ахборот технологиялари” бўлимининг бошлиғи Мардиев Н. “Китобхонлик куни” байрамида кутубхона электрон ресурслари намоёишини ташкил этди.**

Маълумки, замонавий ахборот технологиялар барча соҳаларда, жумладан кутубхоналар фаолиятига ҳам кенг татбиқ этилмоқда. Ахборот асрида кутубхонанинг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, у хизмат қиладиган жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тузилишига боғлиқдир. Бугунги кунда автоматлаштирилган кутубхона тизимларининг ривожини ахборот технологияларининг умумий ривожини ўзида акс эттирмоқда. Автоматлаштирилган кутубхоналар яратишнинг асосий босқичлари – бу кутубхона электрон каталогини ва тўлиқ матнли электрон ресурсларини яратишдир. Айни пайтда Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада бу ишлар фаоллик билан амалга оширилмоқда. “Китобхонлик куни” байрами доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондидаги электрон каталог ва электрон маълумот базаларининг тақдироти ўтказилди, жумладан:

- кутубхона электрон каталогининг намоёиши (айни пайтда электрон каталоглар базаси ўзида 40 мингдан ортиқ ёзувни жамлаган). Электрон каталог интеграллашган кутубхона-ахборот тизими (ИРБИС) да яратилган бўлиб, бу тизим ахборотларни маълумотлар базасида сақлашнинг халқаро **UNIMARK** коммуникатив формати асосида ишлайди. Бу эса ўз навбатида халқаро ахборот алмашув, яъни кутубхоналарнинг интеграциясига кенг имконият яратади.

- “Туркистон тўплами” ва “Туркистон альбомлари” нинг тақдироти. Маълумки, “Туркистон тўплами”

594 жилддан иборат бўлиб, Марказий Осиё давлатлари ва халқларининг 1917 йилгача бўлган давридаги тарихи, этнографияси, маданияти ва географияси бўйича ўзига хос энциклопедиясидир. 3000 дан ортиқ мақолаларни ўзида жам этган бу тўплам электрон кўринишга ўтказилган ва ҳажми 53 Гбдан иборат бўлиб, график кўринишни сақлайдиган .jpg форматида ўтказилган, китобхон ўзига зарур мақолани излаб топиши учун барча қулайликларга эга бўлган дастурий интерфейс яратилган. Мақолаларни излаб топиш алгоритми, ўз вақтида машҳур библиограф В.И.Межов (1868, 1884, 1888 й.) ва О.В.Маслова (1940 й.) томонидан тузилган 4 томлик алифбо - системали кўрсаткичлар асосида амалга оширилади.

“Туркистон альбоми” 4 қисм 10 жилддан иборат бўлиб, унда Туркистон ўлкаси халқларининг турмуш тарзи ва эътиқодини акс эттирадиган 1200 дан ортиқ ўзига хос фотосуратлар жой олган. Бу фотосуратлар жуда катта тарихий қийматга эга бўлиб, кенг китобхонлар орасида катта қизиқиш уйғотиши табиий.

- тўлиқ матнли “Автореферат-2003” маълумот базасининг тақдими. Бу маълумотлар базаси 2003 йил Ўзбекистонда фаннинг турли йўналишлари бўйича ҳимоя қилинган 255 дан ортиқ диссертация авторефератларини ўзида жамлаган. Бу электрон ресурс ҳам интеграллашган кутубхона - ахборот тизимида яратилган бўлиб, китобхонларга, айниқса илмий ходимларга ўзига керакли ахборотни тез излаб топишга қулайлик яратади.

- Интернет ресурсларидан фойдаланиш. Ҳозирги пайтда китобхонларимиз кўплаб халқаро электрон ресурсларидан, жумладан eIFL халқаро консорциумининг электрон ресурсларидан, ProQuest маълумот

базаларидан, INASP ва INTAS дастурларининг электрон ресурсларидан бемалол фойдаланишлари мумкин. Китобхонлар on-line режимида тиббиёт бўйича 500 дан ортиқ тўлиқ матнли илмий журналлар, 4000 илмий журналларнинг рефератлари, 150 дан ортиқ машҳур кунлик газеталарнинг тўлиқ матнларидан; EBSCO фирмасининг 165 та тўлиқ матнли илмий-оммабоп журналлари, 1069 брошюралари, 20 китоб ва справочниклар базасидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Айти пайтда китобхонлар китоб савдоси билан шуғулланувчи ProQuest фирмасининг тўлиқ матнли авто-реферат ва диссертациялар базаларидан бепул фойдаланишлари мумкин. Ҳозирги пайтда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган Internet маркази китобхонларга бепул хизмат кўрсатмоқда.

Яқин келажакда кутубхона янги ахборот технологияларни қўллаган ҳолда китобхонларга фаннинг турли йўналишлари бўйича CD-ROM дискларда маълумот базаларини режалаштирмоқда.

### **«Меҳр қолур, мурувват қолур» номли тадбир СЦЕНАРИЙСИ**

Тадбирни «Меҳр ва мурувват йили» ва 16 ноябрь «Халқаро бағрикенглик куни» муносабати билан ўтказиш мумкин.

Сценарий кутубхоналар учун намуна сифатида берилмоқда. Кутубхона шароитидан келиб чиққан ҳолда сценарийга қисқартириш ёки қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Тадбирни 2 та бошловчи олиб бориши мумкин.

Биринчи бошловчи:

Саломдан бошланур хурмат эҳтиром,  
Саломдир дунёда энг ширин калом.  
Эй, азиз меҳмонлар, доно устозлар,  
Авалло Сизларга салом-ассалом!

Иккинчи бошловчи: - Ассалому алайкум, хурмат ва эҳтиром ила ушбу даргоҳга ташриф буюрган азиз меҳмонлар. Авваламбор, бугунги тадбиримизга “Хуш келибсиз” деймиз.

Биринчи бошловчи: - Ҳаммангизга маълумки, юртбошимиз ташаббуси билан 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди. 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг йигирма саккизинчи сессияси «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси»ни қабул қилган. Шу муносабат билан 16 ноябрь «Халқаро бағрикенглик куни» деб эълон қилинди.

Иккинчи бошловчи: - Ўзбек халқи қадимдан меҳрибон, бир-бирига оқибатли, меҳмондўст, бағрикенг халқ сифатида ажралиб туради.

Биринчи бошловчи: Дарҳақиқат, ўзбек халқи бағрикенг халқ. Бугунги тадбиримизга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази, «Нуроний», «Маҳалла», «Меҳр-шавқат ва саломатлик жамғарма»лари ходимларини ва ижтимоий таъминот идоралари вакилларини, диншунос олимларни таклиф этганмиз. Келинг, сўзни «Меҳр-шавқат ва саломатлик» жамғармаси ходимига берсак.

Ходим (а): - «Меҳр ва мурувват йили» «Обод маҳалла йили»нинг мантиқий давомидир. Меҳр-мурувват тарихан таркиб топган тушунча, халқимизнинг дунёқараши, онгу-тафаккури ва феъл-атворининг уйғунлигидир.

Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун (1991 йил) қабул қилиниб, муҳтож одамларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг миллий моделини шакллантиришга асос солинди. Шу ўринда хотин-қизлар ва ногирон болалар маънавият ва маърифат марказлари, «Умидворлик» маркази, кўзи ожиз болалар ва кўриш қобилиятини тиклаш билан шуғулланаётган «Паноҳ шуъласи» жамғармаси, «Умр» маркази, «Криди» сингари ташкилотларнинг савобли ишларини алоҳида қайд этиш лозим.

Алоҳида эътиборга эга болаларни қобилиятини ривожлантириш дастурида ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, «Болаларни кутқариш», «Мерси Прожект», «Оперейшен Месси», «Каунтерпарт Консорциум», «Волд Консерн», «Болаларга табассум» ва бошқа шу каби халқаро ташкилотларнинг хайрли ишлари таҳсинга сазовордир.

(Шундан сўнг Юлдуз Усмонованинг «Элим» кўшиғи янграйди).

Иккинчи бошловчи: - Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифда меҳр ва мурувват ҳақида жуда кўплаб ибратли сўзлар битилган. Шу ҳақда гапириб бериш учун сўзни диншунос олимга берсак.

Олим: Қуръонда 114 та сура ва 6232 та оят бўлиб, уларнинг асосий қисми шахсни меҳр ва мурувват руҳида тарбиялаш мақсадига қаратилган. Ҳар бир мусулмон инсон янги кунни ёки ҳар бир ишни «Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм» (Раҳмли ва меҳрибон Оллоҳ номи билан бошлайман) деб бошлайди. Бу эса ислом динининг асосий моҳиятида меҳр ва мурувват туйғуси мужассамлашганидан далолатдир.

Ҳадисда ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдан холи бўлмайди, дейилган.

Шу ўринда барчангизни ислом дини ниқоби билан юрган террорчилар ва экстремистлардан огоҳ бўлишга чақираман. Ватанимиз, юртимиз тинчлигини сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

(Шундан сўнг Юлдуз Усмонованинг «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» қўшиғи янграйди).

Биринчи бошловчи: - Меҳр-мурувват ва бағрикенглик бир-бирига яқин тушунчалардир. Бу икки тушунча бир-бирини инкор қилмайди. Бугунги тадбиримизда бағрикенглик ҳақида сўзлаб бериш учун навбатни «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ходимиغا берсак.

Ходим (а): - Бағрикенглик ҳар бир давлат, жамият, ҳар бир дин, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари учун ғоят қимматли қадриятдир. «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» да бағрикенглик тушунчасига тўртта атрофлича таъриф берилган. «Бағрикенглик, - дейилади унда, - бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларини, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни аниқлатади.

Бағрикенглик тамойилларига Ўзбекистонда қандай эътибор берилаётганлиги ҳақида шуни айтиш лозимки, ўзбек халқи қандай шароитла яшамасин, тарихан бағрикенгликни сақлаб қолган. 1941-1945 йилларда бўлиб ўтган уруш йилларида собиқ иттифокни душман вақтинча босиб олган жойлардан Ўзбекистонга келган оч ва ёрдамга муҳтож кишиларга бу ерлик халқлар ўз қалбини очиб жой берди, уларни

меҳмондўстлик билан кутиб олди. Бу ўринда севимли шоир Ғафур Ғуломнинг Ўзбекистонга келиб қолган ота-онасиз ёш болаларга атаб ёзган «Сен етим эмассан» деб ёзган шеъри ҳам ўзбекларни бағрикенглигининг яққол намунасидир.

(Шундан сўнг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» кўшиғи янграйди).

Иккинчи бошловчи: - Келинг, энди навбатни китобхонларимизга берсак. Улар бугунги тадбиримизга шеърлар тайёрлаб келишган.

Биринчи китобхон:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир.

Ҳар кимки жаво қилса, жафо топқусидир.

Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

Иккинчи китобхон:

«Ким агар кўнгил бузукнинг хотирин шод айлағай,

Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

(Яъни, кимки ширин сўз билан кўнгли оғриган кишининг кўнглини кўтарса, бу вайрон бўлган Каъбани обод қилган билан баробардир). (Намуна сифатида берилди).

Шундан сўнг кутубхона имкониятидан келиб чиққан ҳолда актёрлар ёки китобхонлар иштирокида ривоятлардан сахна кўриниши намойиш қилиш тавсия қилинади.

Иккала бошловчи даврага чиқади.

Биринчи бошловчи: - Бугунги кунда ёрдамга муҳтож, меҳрибон, етим-есирларга моддий ва маънавий кўмак бериб келаётган саҳоватпеша инсонлар ҳамиша орамиздан кўплаб топилади.

Иккинчи бошловчи: - Меҳрли, саховатли кишиларга ҳамиша омад кулиб боқаверади.

Биринчи бошловчи: - Келинлар, барчамиз инсон бўлиб дунёга келган эканмиз, инсондай яшайлик, бир-биримизга меҳр-мурувват йилидагина эмас, ҳамиша меҳрли, оқибатли бўлайлик.

Иккинчи бошловчи: Эътиборингиз учун раҳмат.

(Тадбир сўнгида Юлдуз Усмонованинг «Ўзбекистон» кўшиғи янграйди).

### **С П И Д – XXI аср ўлати ҳақида нималарни биласиз?**

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади СПИД – ОИТС касаллиги ва у ҳақида ёзилган рисолалар, СПИД касаллигини тарқалиши ва хавфи билан боғлиқ бўлган асарларни фаол ўқилиши орқали китобхонлар қизиқишини оширишдан иборат.

Беллашувни ўтказиш учун фаол китобхонлар орасидан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Улар талаба ёшлар, юқори синф ўқувчилари бўлиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра тузилган саволлардан айримлари танланиб, ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Ўз навбатида кутубхонада билимдонларга тайёрланган саволларга доир керакли адабиётлар ва вақтли матбуотларда босилган мақолалар тайёр туриши керак.

Беллашувга тайёрланиш жараёнида беллашув қатнашчилари албатта ўша манбалар билан танишиб, ўрганиб чиқишлари зарур.

Билимдонлар эътиборини СПИД касаллигига оид асарлар, касалликнинг жамиятимизга солаётган хавфи тўғрисидаги мақолалар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг СПИДга қарши курашишга оид моддаларига қаратиш лозим.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг олдини олиш тўғрисидаги” қонуни қачон қабул қилинган?

(1999 йил қабул қилинган (Халқ сўзи. 2003.-3 сент.).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Республика Фавқулодда эпидемияга қарши курашиш комиссиясининг 2003 йил 14 май қарори билан республикада СПИД эпидемияси тарқалишига қарши курашиш стратегик дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур қайси вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган?

(Соғлиқни сақлаш, Молия, Адлия, Аҳолини меҳнат ва ижтимоий ҳимоялаш, Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бошқа нодавлат нотижорат идоралари билан). (Халқ сўзи.- 2003.-3 сент.).

3. ОИТС касаллиги қандай йўллар орқали юқади?

(Булар гетеројинсий, инфекция йўли билан гиёхванд моддалар қабул қилишдаги юқтириш, эркак билан эркакнинг жинсий муносабати, онадан болага, қон қуйиш орқали). (Ватанпарвар.-2003.- 30 нояб.).

4. ОИТС касаллиги билан хасталанганлар қайси минтақада кўпчиликни ташкил этади?

(Бу Саҳрои Кабир жанубидаги Африка минтақаси ҳисобланиб, 28,1 миллион, яъни 50 фоиздан зиёдроғини ташкил этади). (Ватанпарвар.-2003.- 30 нояб.).

5. 1 декабрь Умумжаҳон ОИТС га қарши курашиш куни қачон қабул қилинган?

(Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг таклифи БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1988 йилда 43/15 резолюция билан тасдиқланиб, 1 декабрь ана шундай халқаро сана сифатида тарихга кирди). (Ватанпарвар.-2003.- 30 нояб.).

6. Ўзбекистонда ОИТС хасталиги илк бор қачон аниқланган?

(Ўзбекистонда ОИТС хасталиги илк бор 1987 йилда, хорижлик кишида қайд қилинган). (Ватанпарвар.-2003.- 30 нояб.).

7. 2001 йил 25-27 июнда БМТ Бош Ассамблеясининг ОИТС муаммоларига бағишланган махсус сессиясида қандай масалалар кўриб чиқилди?

(Мазкур сессияда Африкада ОИТС муаммоси, халқаро молиялаш ва ҳамкорлик, эпидемиянинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари, инсон ҳуқуқлари ва ОИТС, гендер масалаларни ҳисобга олганда ОИТС таъсири оғохлантирувчи тадбирлар, тиббий хизмат ва дори дармонлардан фойдаланиш, ОИТСга чалинган болаларни ҳимоя қилиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш, илмий тадқиқотлар ва вакциналар тайёрлаш, миллий саъй-ҳаракатларни кучайтириш каби масалалар кўриб чиқилди (Ватанпарвар.-2003.- 30 нояб.).

8. Бу касалликнинг хавфи нимада?

(Кўпгина вируслар ўзининг организмда мавжудлигини бир неча кун ёки ҳафталар ичида билдира бошлайди. Лекин ОИТС вируси ўзига хос сирли

хусусиятларга эгадир. Вирусга мубтало бўлган одамда илк бор оғир кечинмалар 5 йилдан кейин юзага чиқиши мумкин. Бундай одам ташки кўринишидан соғломга ўхшайди, бунинг оқибатида касалликни бошқаларга юқтириш хавфи бор. (Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари.- 2002.- №1.- Б.12)

9. ОИТСга қарши жиноий-ҳуқуқий курашиш воситаси ҳам мавжудми?

(Ўзбекистон Республикасининг жиноят Кодексининг бир қатор моддаларида жавобгарлик белгиланган қилмишлар БИТ/ОИТС билан боғлиқ бўлиб, жумладан, Жиноят Кодексининг 113 модасида таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш учун жавобгарлик кўзда тутилган) (Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари.-2002.- №1.Б.12)

10. Бугунги кунда жаҳонда қанча киши ОИТС билан касалланган?

(Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда 65 млн. киши ушбу касаллик билан оғриган). (Соғлом авлод.- 2003.-27нояб.;3 дек).

11. Ўзбекистонда ОИТС маркази қачон ташкил этилган?

(Ўзбекистонда ОИТС маркази 1987 йилда ташкил этилган). (Соғлом авлод.- 2003.-4-10 дек).

12. Ўзбекистонда СПИД билан касалланганлар сони нечта?

(Статистик маълумотларга қараганда ВИЧ/СПИД билан касалланганлар сони 3300 киши бўлиб, шулардан 2784 таси эркаклар, 581 таси аёллардир). (Соғлом авлод.- 2003.- 4 -10 дек).

13. СПИД қайси ҳолларда юқмайди?

(Ўпишганда, сув ҳавзасида бирга чўмилганда, қўл бериб кўришганда, йўталганда, аксирганда, чивин чакқанда, ҳайвонлар тишлаганда, овқатланиш буюм-

ларидан, умумий хожатхонадан фойдаланганда).  
(Соғлом авлод, 2003.-27 нояб.3 дек.).

14. СПИД деб аталган касаллик нечинчи йилда пайдо бўлди?

(1981 йилда АҚШдаги Жоржия штатининг Атланта шаҳри ёшлари ўртасида тиббий текширув ўтказилганда пневмоцист пневмония ва камдан-кам учрайдган ўсма - капоши саркомаси қайд қилинди. Касаллик билан оғриганларнинг кўпчилиги бесоқолбоз (гомосексуалист)лар эканлиги аниқланди. Бу ҳодисадан кейин шундай касаллик қон касаллиги бор беморлар ва гиёҳвандлар орасида қайд қилинди. 1981 йилдан касалликнинг асосий белгиси “қондаги лимфоцитлар хилма-хиллигининг кескин камайиши” ибораси ўрнига СПИД атамаси ишлатилди).

15. СПИДнинг клиник намоён бўлиши қандай кўринишда бўлади?

(СПИДнинг инкубацион даври 2 ҳафтадан 15 йилгача давом этиши мумкин. Касаллиқнинг биринчи белгиларида бўйин, ўмров усти ва қўлтиқ ости лимфа тугунлари катталашади. Касалнинг илк белгилари мононуклеоз кўринишда бўлиб, бунда иситма 38-39°C гача кўтарилади ва 3 кундан 10 кунгача давом этади. Бундай беморларда ангина, жигар ва талокнинг, турли лимфа тугунларининг катталашиши кузатилади, бош оғриғи, эшитиш ва кўриш органларининг бузилиши билан кечадиган энцефалит ривожланади. Бунда қон лимфоцитлари камайиб кетади ва лабораторияда анализ ўтказилиб, СПИД борлиги аниқланади. Лекин беморларнинг ярмида бу белгилар кузатилмаслиги ва у яширин ўтиши мумкин. Кейинроқ эса бу белгилар йўқолиб, чипқонлар, оғиз ва жинсий органларнинг

шиллик қаватида яралар, терининг замбуруғлар билан зарарланиши мисол бўлади).

### «Спорт тинчлик ва дўстлик элчиси»

Мавзусида адабиётлар кўргазмаси тайёрлашнинг тахминий режаси

Кўргазма 3 бўлимдан иборат бўлиши мумкин:

#### 1. Спорт ҳаётимиз ҳамдамига айлансин

Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур.

И.Каримов

Иванова А. Спорт ҳаётимизнинг ажралмас қисми: [Ёшларни спортга жалб қилиш тўғрисида] //Ватанпарвар.-2003.-7 янв.

Назаров О. Спорт муаммоларига эътибор //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-1991.-№ 9.-Б.55-56.

Насриддинов Ф.Н., Шатерников Э.К. Инсон омилини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт. – Т.:Ўқитувчи,1993.-95 б.

Раҳим Ҳайдарзода. Спорт-тарбиялайди, тоблайди, оламга танитади: [Бухоро вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси билан Д. Раҳмонов суҳбати] //Ўзбекистон овози.- 2003.-4 янв.

Рўзиев С., Искандарова Т. Ўзбекистон спортчилари.-Т.: Ўзбекистон, 1994.- 44 б.

Холиқов Т. Ўзбекистон–спорт мамлакати  
//Туркистон .- 2003.- 30 янв.

Ўзбек спортининг овозаси таралади бутун  
оламга //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-31 авг.

Ҳайдаров З. Спорт ҳаётимиз ҳамдамига  
айлансин: [Спорт ўтмишда ва келажакда ] //Фидокор.-  
2003.-20 февр.

## **2.Ўзбек спортчилари 2003 йилги олимпиада ўйинларида**

Ватан, халқ шухратини дунёга  
тараннум этишда спортнинг ўрни  
бекиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб  
нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари  
эришаётган ғалабалар бу ҳақиқатни  
тасдиқлаб турибди.

И.Каримов.

Аҳмедов Ф. Спорт байрамлари қандай ўтади?:  
[«Олимпия умидлари» мусобақаси ҳақида] //Бошланғич  
таълим.-2001.-№3-Б.26

Боймурадова Д. Ўзбекистон ёшлари спорт  
олимпиадасида: [Бухорода (24 май-1 июнь) бўлиб ўтган  
«Универсиада-2002» спорт мусобақалари ҳақида]  
//Соғлом авлод учун.-2002.-№ 6.-Б.22-23.

Жўраев Э. Чемпионлар ўзимиздан чиқади:  
[Кўплаб хорижий юртлардаги жаҳон чемпионатлари,  
олимпиада ўйинларида иштирок этиб биринчиликни  
қўлга киритаётганлар орасида қашқадарёлик донгдор  
спортчилар ҳам борлиги ҳақида] //Жамият ва  
бошқарув.-1998.-№ 4.-Б.51.

Набиев Ҳ. Шодликдан ўзимни йўқотиб қўйдим  
//Халқ сўзи.-1994.-18 май.

Носиров Ҳ. Юзлар ёруғ, диллар равшан:  
[Сидней–2000] //Ўзбекистон овози.-2000.-3 окт.

Олимпиадада қатнашишнинг ўзи–ютуқ:  
[Ўзбекистон спортчилари Сидней–2000да] //Тошкент  
хақиқати.-2000.-20 сент .

Сен тинчлик элчисан!: [Австралиянинг  
Сидней шаҳрида XXVII Олимпиада ўйинлари зўр  
тантаналар билан очилганлиги ҳақида] //Спорт.-2000.-19  
сент.-Б.3.

Рўзиев С. Атланта йўлида: [Ўзбекистон  
Республика Миллий олимпия қўмитасининг президенти  
билан Ҳайдаров Б. суҳбати] //Тошкент оқшоми.-1996.-3  
янв.

Тожиева М. Олимпия ғояларидан муштарак  
мақсадлар сари: [Таҳлил, танқид, таклиф] //Спорт.-  
2000.-25 янв.

Худойбергенов И. Мустақил жамоа  
иштирокининг гашти ўзгача: [Спортчиларимизнинг  
олимпиада ўйинларидаги иштироки тўғрисида  
маълумот] //Спорт.-2000.-13 окт.

Қурбонов З. «Умид ниҳоллари» мусобақаларида  
футбол ўйини //Халқ таълими .-2002.-№2.-Б. 84-87.

### 3. Спорт бизнинг келажагимиз

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан энгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

И. Каримов

Авлод саломатлиги – миллат бойлиги: Болалар спорти //Халқ сўзи.-2003.- 6 авг.

Болалар спортини оммавий спортга, уни ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантирайлик: [Ўзб. болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг мажлиси] // Халқ сўзи.- 2003.-7 июнь.

Жумаев Р. Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур //Халқ сўзи.-1993.- 10 февр.

Насриддинова Ф. Спортда ҳаракат мукамаллиги //Фан спортга. – 1998. -№1.-Б.21-27.

Саидова Д. Соғлом миллат ва авлод орзуси: Болалар спорти ҳақида. //Ўзбекистон овози.-2003.-6 февр.

Ҳамроқулов А. Соғлом турмуш тарзи ва жисмоний тарбия //Фан спортга.–1998.-№1.-Б.16-20.

## МАТОНАТЛИ ИНСОНЛАР

**Кимки кўзи ожиз  
одамни қирқ қадам етак-  
лаган бўлса, унинг жаннат-  
га кириши аниқдир.**

**Ҳадис**

Дунё тарихига назар ташласак инсоният яратилган даврдан бошлаб турли тузумларни босқич-ма-босқич бошидан ўтказди. Жумладан, ҳар бир дунёга келган инсон онги ва дунёқараши кенгайиб, унинг яшаш шароити ҳам такомиллашиб бораверган. Дунё аҳолиси сон жиҳатдан асрдан-асргача тобора кўпайиб борган. Соғлом кишилар қаторида кўриш қобилияти чекланган кишилар ҳам дунёга келган. Эрамизгача VI-V асрларда яшаб ижод қилган буюк Хитой олими ва файласуфи Конфуций (551-479) кўзи ожизларнинг хотираси кучлилиги ва бошқаларга нисбатан эшитиш қобилияти яхшилигига биринчи бўлиб эътибор қаратган.

Тарихий ҳужжатлардан маълумки, чор Россиясида кўзи ожизларни биринчи бор аниқлаш Туркия ва Россия урушидан кейингина амалга оширилган. Чунки, урушдан сўнг ногиронлар сони ошиб кетиб, бу ходиса кўз юмиб кетишга илож бўлмаганидан аҳолини қайта ҳисобга олишда кўзи ожизлар рўйхати ҳам жорий этилган. Унда фақат мутлақо кўрмайдиганар ҳисобга олинган, қисман кўриш қобилиятига эга инсонлар, яъни 2-гурӯх ногиронлари рўйхатга киритилмаган. Феодализм тузумида аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллангани туфайли кўзи ожизларнинг ишлашига имконият бўлмаган.

Даврлар ўзгариб жамият аста-секин ривожланиши билан ҳар хил касаначилик устахоналари, мануфактура заводлари ташкил қилиниб, улардаги сим

тортиш, ғилдирак айлантриш каби кўл билан бажариладиган ишларга кўришдан бебахра инсонлар ҳам жалб қилина бошланган.

Кейинчалик франциялик Валентин Гаюн кўзи ожизларга ёзиш ва ўқишни ўргатишга киришган. У ўз даврининг етук билимдони бўлиши билан бирга Франция давлатининг амалдорларидан эди. Валентин Гаюн 1784 йилда Франсуа Лезуер исмли кўзи ожиз болани ёзиш ва ўқишга ўргатиб, эришган муваффақиятларини қирол Людовик XVI га намойиш этишга эришади. У бир йилдан кейин 24 нафар кўзи ожиз болаларнинг саводини чиқарган. Валентин Гаюн бармоқларга сезиларли бўртма чизикли ҳарфларни ўйлаб топади ва 1786 йилда биринчи мактабини очади.

Кўз нуридан бебахра инсонлар ўқийдиган ҳозирги бўртма нуктали ёзувнинг асосчиси француз Луи Людовик Брайль 16 ёшида, яъни 1825 йилда брайль шрифтини яратади. Луи тинмай ўз ишини давом эттириб, бир гуруҳ кўзи ожизларнинг саъй-ҳаракатлари билан 1837 йилда “Франция давлатининг қисқача тарихи” номли китобини чоп этишга эришган. 1887 йилда брайль ёзуви кўпчилик давлатларда якка тизим сифатида қабул қилинади.

Луи Брайль кашф этган ёзуви кўзи ожизларимиз учун алифбо сифатида 1878 йилда тан олинди, ҳозирги кунгача хизмат қилиб келмоқда.

XIX асрнинг охирлари, яъни 1888 йилда Туркистонда кўриш қобилиятидан маҳрум бўлганлар учун хизмат кўрсатувчи хайрияхона очилган. У кўзи ожизларни моддий ёрдам, вақтинчалик нафақа билан қисман таъминлаган. Шу йилларда кўриш бўйича ногиронлар сони кескин кўпайган. Сабаби бу даврда

чечак, трахома ва кўзи ожизликка олиб келадиган бошқа турли касалликлар кенг тарқалган.

XX асрнинг 20-йилларида кўзи ожизлар тақдири билан ҳукумат даражасида қизиқила бошланган. 1925 йилнинг 25 апрелида собиқ Бутунроссия кўзи ожизлар жамияти барпо этилган. 1926 йил январь ойида собиқ иттифокдош-ҳозирги Мустақил ҳамдўстлик давлатларида ҳам кўзи ожизлар жамиятларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу Ўзбекистонда дастлабки кўзи ожизлар уюшмаларининг тузилишини тезлаштирди. Жумладан, Маҳаллий ҳукумат кўмагида 1926 йил Тошкент ва Самарқандда, 1928 йили Бухорода биринчи бошланғич ташкилотлар тузилган. Асосан, улар кўриш қобилиятини йўқотган инсонларни ҳисобга олиш, янги уюшмалар тузиш, умумий мажлислар ўтказиш билан шуғулланганлар.

1929 йилда Ўзбекистон ССР халқ комиссарлари Кенгашининг қарорига мувофиқ Ижтимоий Таъминот халқ комиссарлиги қошида кўзи ожизларнинг маҳаллий округ бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш юзасидан ташкилий бюро барпо этилган.

Шу йил Тошкентда кўзи ожизларни ўқиш, ёзишга ўргатиш мақсадида кўзи ожиз болалар махсус интернат мактаби ўз фаолиятини бошлаган. Ўша йилда Василий Филатович Детушов Брайль ёзувининг ўзбек алифбосини ишлаб чиқишга мушарраф бўлди.

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти ташкил топган кундан бошлаб унинг асосий мақсади кўриш бўйича ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, фойдали меҳнатга жалб қилиш, шунинг билан тиланчилик ботқоғидан олиб чиқишга қаратилди. Жумладан, бу ерда турли устахоналар, чойхона ва артеллар тузилган.

Уларда кўзи ожизларга пойабзал ва кийим чўткалари тайёрлаш, тузларни кадоқлаш, супурги боғлаш, бўйра, халта, кейинчалик пояндоз тўқиш ҳамда кўрпа-тўшак тиқиш ишлари ўргатилган.

1949 йилда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти қошида махсус босмахона ташкил этилган. Шу йилдан бошлаб Луи Брайль алифбосидаги бадиий ва турли мазмундаги китоблар нашр этилиши мунтазам йўлга қўйилди.

Шунингдек, 1957 йилда ЎзКОЖ Марказий Бошқарувининг “Бир сафда” журнали чоп этила бошланди. Босмахонада овоз ёзиш студияси иш бошлаб, адабиётларни магнит тасмасига тушириш йўлга қўйилди. Нашр ишларининг тезкор ривожланиши туфайли республикада махсус кутубхоналар сони ҳам кун сайин ўсиб борди.

Ҳозирда Республикамизда кўриш қобилияти чекланган фуқароларга хизмат кўрсатувчи махсус кутубхоналар тизимини 2 та республика, 6 та вилоят ва 59 та шаҳар ва туман кўзи ожизлар кутубхоналари ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятига 36 мингга яқин кўзи ожиз ногирон аъзо бўлиб, улар давлат муҳофазасидадир. Шулардан 1600 нафарга яқин ўқувчи умумий ўрта таълим мактабларига жалб қилинган бўлса, 1721 нафар ўқувчи мамлакатимизда мавжуд 9 та мактаб-интернатларида таҳсил олмоқда. Ўрта махсус таълим муассасаларида эса 46 нафар ўқувчи, Олий таълим муассасаларида 114 та талаба билим олмоқдалар.

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти дунё сари юз тутиб, Европа, Осиё Кўзи ожизлар уюшмалари, ассамблеялари билан яқин алоқа ўрнатган, Осиё ва

Жаҳон кўзи ожизлар уюшмаларига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилган. Жамият аъзоларининг таълим-тарбия олишда, маданий-маърифий, сиёсий-оммавий савиясини оширишда жойларда уларга хизмат кўрсатаётган 43 та клуб, 23 та маданият уйи, 118 та маънавият бурчаклари, 76 та кутубхона, 9 та махсус мактаб-интернат фаолияти алоҳида ўринга лойиқдир.

Республикамизда кўзи ожиз даҳолар, кўзи ожизлар фаолиятининг ўтмиши ва бугуни, шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар фаолиятига доир бир қатор рисоалар кутубхона жамғармасидан ўрин олган.

Шунингдек, умрини кўзи ожизлар маърифатига бағишлаган инсонлар ҳақида мақолалар ҳам чоп этилган. Мавжуд рисоалар ва мақолалар кутубхона каталог ва картотекаларида акс эттирилган.

Кутубхоналарнинг вазифаси кўзи ожизлар фаолиятига оид бадиий, тарихий, спорт ва санъатга оид асарларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш ва китобхонлар ўртасида тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар тарғиботнинг илмий-амалий семинар, китобхонлар конференциялари, учрашув ва савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, адабий-бадиий мусиқали кечалар, хотира кечалари, китоб кўргазмалари сингари турли-туман шакл ва усулларида фойдаланишлари мумкин.

Кутубхоналарга “Маънавият ва маърифат” марказининг жойлардаги бўлимлари, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти ва унинг жойлардаги жамиятлари, “Маҳалла”, “Нуроний”, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, махсус мактаб-интернатлари, хотин-қизлар

қўмитаси, маданият уйлари билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш тавсия қилинади.

### ***Кўзи ожизлар фаолиятининг ўтмиши ва бугуни биласизми?***

(Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар)

Танловнинг мақсади китобхонларни “Кўзи ожизлар” ва у ҳақида ёзилган асарларни, кўзи ожиз даҳоларнинг, улар ҳақидаги асарларни, ўтказилган тадбирларга доир нашр этилган асарларини, “Кўзи ожизлар” жамиятларининг ривожланиши ва тараққиёт босқичлари акс эттирилган асарларни юқори ўқилиши орқали кенг тарғиб қилишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, махсус мактаб-интернат ўқувчилари, талабалар, магистрлар, ишчилар, кутубхоначилар киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларнинг айримларини танлаб, ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўядилар. Кутубхонада бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини “Кўзи ожизлар фаолиятининг ўтмиши ва бугуни”га оид нашрлар, қонун ва фармонлар, халқаро анжуманларга оид нашрлар, кўзи ожиз даҳолар ҳақида ёзилган тарихий ва бадиий асарлар, кўзи ожиз шоирлар ва ёзувчиларнинг яратган асарларига, мусиқа ва бошқа маълумотларга эга бўлган манбаларга қаратиш лозим.

Беллашув ўтказиладиган жойда китоб кўргазмасини тайёрлашни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб кутубхоначилар билимдонлар қайси асарлар ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Эрамизгача VI-V асрларда яшаб ижод қилган қаерлик қайси муаллиф томонидан кўзи ожизларнинг хотираси кучлилиги ва бошқаларга нисбатан эшитиш қобилияти яхшилигига биринчи бўлиб эътибор қаратилган?

(Эрамизгача VI-V асрларда яшаб ижод қилган буюк Хитой олими ва файласуфи Конфуций (551-479) кўзи ожизларнинг хотираси кучлилиги ва бошқаларга нисбатан эшитиш қобилияти яхшилигига биринчи бўлиб эътибор қаратган. Уларнинг юрган йўлидан адашмай, қаерда чуқурлик, қаерда тош борлигини сезишларини кузатиб, кўриш бўйича ногиронларнинг хотираси ўткирлигига амин бўлган. У истеъдодли кўзи ожизларни аниқлаб, Хитой подшоларининг саройига ишга жалб қилган. Уларга буюк шахслар ҳаётини, тарихий воқеаларнинг қандай бўлганлигини ёдлатган).

2. Биринчи бўлиб йирик асарлар яратган кўзи ожиз муаллиф ким ва унинг асарларини айтинг?

(Эпик адабиётининг отаси Гомер, биринчи бўлиб “Иллиада” ва “Одиссея” дostonларини яратган. Унинг асарлари моҳирона кашфиёт, ҳиссиётлар чўққиси, олийжаноб хулқ-атвор, ранглар жилосига бой хазина).

3. Кўзи ожизларни аниқлаш қачон амалга оширилди ва сабаб нима?

(Тарихий ҳужжатлардан маълумки, чор Россияда кўзи ожизларни биринчи бор аниқлаш Туркия ва Россия урушидан кейингина амалга оширилган. Урушдан сўнг

ногиронлар сони ошиб кетиб, бу ҳодисага кўз юмиб кетишга илож бўлмаганидан аҳолини қайта ҳисобга олишда кўзи ожизлар рўйхати ҳам жорий этилган. Унда фақат мутлақо кўрмайдигалар ҳисобга олинган, қисман кўриш қобилиятига эга инсонлар, яъни 2-гурӯҳ ногиронлари рўйхатга киритилмаган).

4. Қайси шоир ўз асарида кўриш қобилияти чекланган кишилар бошқалар билан тенг ҳуқуққа эга деган тушунчани биринчи бўлиб баён этган?

(Кўриш қобилияти чекланган кишилар бошқалар билан тенг ҳуқуққа эга деган тушунчани биринчи бўлиб атоқли француз шоири Дидро “Кўзи ожизларнинг соғларга насиҳат хати” номли асарида баён этган).

5. Бўртма чизиқли ҳарфларни ким ўйлаб топган ва у биринчи мактабни нечанчи йилда очади?

(Валентин Гаюн бармоқларга сезиларли бўртма чизиқли ҳарфларни ўйлаб топади ва 1786 йилда биринчи мактабини очади).

6. Чор Россиянинг подшоси ким ва унинг таклифига биноан нечанчи йилда, қайси номдаги кўзи ожизлар билим юрти ташкил қилинган?

(Чор Россиянинг подшоси Александр I таклифига биноан В.Гаюн Петербургга келиб, 1790 йилда Александр Маринский номли кўзи ожизлар билим юртини ташкил қилган).

7. Ҳозирги бўртма нуқтали ёзувининг асосчиси ким ва у шахс ҳақида нималарни биласиз?

(Ҳозирги бўртма нуқтали ёзувнинг асосчиси француз тифлопедагоги Луи Людовик Брайль. У 1809 йилнинг 4 январидан Париждан 10 чақирим масофада жойлашган Купере (Кувре) шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигида кўр бўлиб қолган. 1819 йилда Луи Брайль Париждаги кўзи ожизлар Миллий Институтига ўқишга

кирган. У 1828 йилда ўқишни тугатгач, шу институтнинг ўзида кичик ўқитувчи вазифасида ишлаб қолган. Луи Брайль тинмай изланиб 16 ёшида, яъни 1825 йилда ҳозирги брайль шрифтини яратган. Луи тинмай ўз ишини давом эттириб, бир гуруҳ кўзи ожизларнинг саъй-ҳаракатлари билан 1837 йилда “Франция давлатининг қисқача тарихи” номли китобини чоп этишга эришади. Луи Брайль истеъдодли мусиқачи бўлган, кўрларга мусиқадан дарс берган).

8. Туркистонда кўриш қобилиятидан маҳрум бўлганлар учун хизмат кўрсатувчи хайрияхона қачон очилган?

(XIX асрнинг охирлари, яъни 1888 йилда Туркистонда кўриш қобилиятидан маҳрум бўлганлар учун хизмат кўрсатувчи хайрияхона очилган).

9. Собиқ иттифоқдош давлатларда кўрлар жамиятларини ташкил этиш ҳақида қачон қарор қабул қилинди?

(1925 йилнинг 25 апрелида Бутунроссия кўрлар жамиятининг барпо этилиши туфайли 1926 йил январь ойида собиқ иттифоқдош давлатларда ҳам кўрлар жамиятларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди).

10. Ўзбекистонда кўзи ожизларнинг биринчи бошланғич ташкилотлар қачон ва қаерларда тузилган?

(Ўзбекистонда маҳаллий ҳукуматлар кўмагида 1926 йил Тошкент ва Самарқандда, 1928 йили Бухорода биринчи бошланғич ташкилотлар тузилган).

11. Тошкентда кўзи ожизларни ўқиш, ёзишга ўргатиш мақсадида махсус интернат-мактаби қачон ўз фаолиятини бошлаган?

(1929 йилда Тошкентда кўзи ожиз болалар махсус интернат мактаби ўз фаолиятини бошлаган).

12. Брайль ёзувининг ўзбек алифбосини ишлаб чиққан шахснинг исми ким?

(1929 йилда Василий Филатович Детушов Брайль ёзувининг ўзбек алифбосини ишлаб чиқишга муваффақ бўлди).

13. Тошкентда қачон рельеф харфлар босмаҳонаси ташкил этилган?

(1949 йил Тошкент шаҳрида Кўзи ожизлар жамиятга қаршли рельеф ҳафрлар босмаҳонаси ташкил этилган).

14. Таниқли ёзувчи Брайль ёзувидаги туркман алифбосининг асосчиси ким ва у ҳақида қандай маълумоларга эгасиз?

(Таниқли ёзувчи Василий Яковлевич Ероненко туркман алфбосининг асосчисидир. У 1890 йил 12 январда Россиянинг Воронеж вилояти Обуховка қишлоғида туғилган. У 4 ёшида кўриш қобилиятини йўқотади. 1899-1907 йилларда Маяковский номли махсус интернат-мактабида таълим олади. Кўзи ожизлар оркестрида мусиқачи бўлиб ишлаган. В.Я.Ероненко 1912 йилда Англия қироллигининг кўзи ожизлар институтида 1914, 1916 йилларда Токио кўзи ожизлар мактабида таълим олган. У 1923-1935 йилларда Россиянинг Нижний Новгород, Москва, Чукотка шаҳарларида ўқитувчи ва муҳаррир, бундан ташқари босмаҳонада мусахҳиҳ вазифаларини бажарган. 1935-1946 йилларда Туркменистоннинг Ашхобод, Тошҳовуз ва бошқа шаҳарларида ўзи очган мактабларда раҳбар ва ўқитувчи, 1949-1951 йилларда Тошкентдаги кўзи ожизлар мактабининг муаллими бўлиб ишлаган).

15. Жаноб Клэнси кўзи ожиз даҳолардан бири, унинг қайси асарини биласиз?

(Жаноб Клэнси Ирландияда, Клейер графлигида таваллуд топган. У “Зе Шарпер” номли комедиясини сахнага олиб чиқишга эришади. Ушбу асар Дублинда, Смок-Аллейда 5 марта кўйилган, шунингдек декан Свифт назарига ҳам тушган).

16. Джон Милтоннинг қандай асарларини биласиз?

(Кўзи ожиз даҳолардан бири Джон Милтон қатор асарлар, жумладан: “Жаннат йўқолди”, “Аллегро”, “Пенсоро”, “Комус”, “Лисидас”, “Номуносиб жуфтлик”, “Симпсон Аюнистез”, “Жаннат топилди” кабиларни яратган).

17. Мусиқа илмига оид бебаҳо китоблар яратган кўзи ожиз даҳо ким ва унинг асарларини айтиб беринг?

(Туғма кўзи ожиз бўлган Франсиско Салинэс ҳозирда барча тилда мавжуд бўлган мусиқа илмига оид бебаҳо китоблардан бирининг муаллифидир. Унинг “Де музыка” номли 7 китобдан иборат асари мавжуд. 1-китобида у товуш даражасини ҳисоблашнинг турли услублари ҳақида фикр юритса, 2-китобида ўз даври мусиқалари билан мусиқий масалалар юзасидан баҳсга киришади. 3-китобида қадимги аждодларнинг даҳоликлари, қолганларида эса инсон овозининг кучи, грек, рим ва испан шоирлари қўллайдиган ритмлар, шунингдек, аккордлар тўғрисида маълумотлар берган).

18. Кўзи ожиз мусиқачилардан кимларни биласиз?

(1. Силесиялик Каспар Крамбхори. У турли хил ажойиб мусқалар яратиб, уларни флейта ва скрипкада маҳорат билан чалган. 2. Франсиз Линлей буюк органчи сифатида машҳур бўлган. 3. Джейм Уотсон скрипка ва виолончелда бир вақтнинг ўзида мусиқа чалиш усулини кашф этган).

19. Кўзи ожиз ҳайкалтарош ким ва у ҳақида нималарни биласиз?

(Тасканиялик Джон Гонелли замонасининг машҳур олими бўлиб, 20 ёшида кўз нуридан айрилган. У Тасканиянинг биринчи улуғ герцоги Космоннинг ҳайкалини кўз нурини йўқотгач, тайёрлаб тақдим этган. Шунингдек, у Брэксмано герцогининг ҳам хурматига сазовор бўлган. Джон Гонелли қоронғу ертўлада Англия қироли Чарльз юзидан мўмиё ёрдамида қолип олиб, буюк маҳорат билан худди ўзига ўхшатиб унинг ҳайкалини яратган).

20. Қайси кўзи ожиз мусаввирнинг чизган суратлари қайси мамлакатларда намоиш этилган?

(Лиза Фиттипальдининг чизган суратлари Америка, Мексика, Англия, Франция ва Италияда муваффақият билан намоиш этиляпти. Лиза чизган 408 суратдан 396 таси сотилган. Улардан айримларининг нархи эса 12 минг долларга етган).

21. “Ўзбекистон халқ ҳофизи” унвони берилган кўзи ожиз санъаткор ким ва у қайси кўшиқларни ижро этган?

(Ғулом қори Ғаниевга 1947 йилда “Ўзбекистон халқ ҳофизи” унвони берилган. “ “Чоргоҳ”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Гиря”, “Ироқ”, “Илғор”, “Ушшоқ” каби ашулаларни маромига етказиб куйлаган. Тошкент, Фарғона йўлида айтиладиган барча мумтоз кўшиқларни халқ яллаларини мукамал ижро этган).

22. Мустақиллик йилларида “Шухрат” медали билан тақдирланган кўзи ожиз санъаткор ким ва унинг қандай шеърларини биласиз?

(Мустақиллик йилларида “Шухрат” медали билан тақдирланган санъаткор Оролмирзо Сафаровдир. У шунингдек “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

артист” дир. Оролмирзо Сафаров бир қатор шеърлар ҳам яратган. Жумладан, “Онажон”, “Алпомишни куйлаб”, “Ўзбекистон” ва бошқалар).

23. Куйидаги мисралар кимнинг қаламига мансуб?

- Онажон қалбимда меҳринг жо эрур,  
Ҳар сўзинг маъноси бир дунё эрур.  
Қатра меҳринг олдида уммон суви  
Лоф эмаским, бир азим дарё эрур.  
Сенчалик фарзандни ким суйган она?!  
Сенчалик фарзандга ким куйган она?!

(Оролмирзо Сафаровнинг “Онажон” шеъридан олинган).

24. “Ожиз” тахаллуси билан шеър ёзган аёл ким ва унинг шеъридан намуна келтиринг?

(“Ожиз” тахаллуси билан Анабиби Отажонова шеърлар ёзган. У 1901 йилда Хива туманининг қўшчи Катта боғ қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган. Кўзлари ожиз бўлгани учун халқ уни “Анабиби Қори” ёхуд “Анаби қори” деб атаган. Унинг “Тар ғунча” шеъридан парча

Табассум айлабон қошини қоқди,  
Кулиб сўзлагани ичимни ёқди.  
Ҳар кимга тушкани ўзини бахти  
Ука, нердан олдин бу тар ғунчани?).

25. Ушбу мисралар қайси шоиранинг шеъридан олинган?

Ул шўхи золим чекмас маломим,  
Дардни чекарга қолмади ҳолим,  
Йўлин ахтариб изиннан бориб  
Кўрсам уёламан, кўрмасам армон.

(Ожизанинг “Уёламан” шеъридан олинган).

26. “Бир сафда” журнали қачондан бошлаб нашр қилинмоқда?

(Ўз КОЖ Бошқарувининг “Бир сафда” журнали 1957 йилдан бошлаб чоп этилиб келинмоқда).

27. Ўзбек адабиётида қайси ёзувчи, қайси асарини игна билан ёзган ва асар қачон нашр этилган?

(Ўзбек адабиётида фидоий адиб Вали Ғафуров “Вафодор” романини игна билан яратган. Бу роман 1961, 1964, 1973, 1988 йилларда нашрдан чиққан).

28. Ўзбек муаллифларидан кимларнинг асарлари Брайль шрифтида нашр қилинган?

(Ўзбек адабиётининг асосчиси ўзбек романининг йирик вакили Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, Вали Ғафуровнинг “Вафодор” каби романлари Брайль шрифтида нашр этилган).

29. Ле Балернинг “Император Жулианнинг ҳаёти” номли китобини қайси кўзи ожиз ижодкор ўз она тилига таржима қилган ва унинг қандай асарини биласиз?

(Кўзи ожиз ижодкор Анна Виллиамс хоним Ле Балернинг “Император Жулианнинг ҳаёти” номли китобини французчадан ўз она тилига таржима қилган. Яна у 1766 йили бир қанча дўстлари билан биргаликда “Мискеланлар наср ва назмда” номли китобини нашр эттирди).

30. Кўзи ожиз даҳолардан бири Джон Говер энг қадимги инглиз шоирларидан, унинг қандай асарларини биласиз?

(Джон Говер дастлаб, “Спекилит Медитантис” номли ўн жилдлик асарини ёзган. Шунингдек, “Вокс Камантис”, “Конфесско Атантис” каби асарларини яратган. Ушбу китоб қатор сочма ривоятлардан ташкил

топган бўлиб, ахлоқий тарбиянинг амалий тизими сифатидаги китоблардандир).

31. 2001 йилда Ҳиндистон диёрида ўтказилган кўзи ожизлар анжуманида Ўзбекистондан кимлар қатнашган?

(Дехли шаҳрида ўтказилган ушбу анжуманда Ўз КОЖ МБ раиси Олимжон Аҳмаджонов ва Бухородаги кўзи ожизларнинг махсус мактаб-интернати география фани ўқитувчиси Рамазон Ҳамроевлар қатнашган).

32. Бугунги кунда Ўзбекистонда қанча кўзи ожиз ногиронлар бор?

(Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 36 мингга яқин кўзи ожиз ногиронлар бор).

33. Қуйидаги мисралар кимнинг қаламига мансуб, шеърни давом эттиринг?

Бу бир кам дунёда кимнинг ками йўқ?

Бу камтик дунёда кимнинг ғами йўқ?

Бу ожиз охунда дил малҳам йўқ,

Сен хануз изларсан, мен излаб бўлдим.

(А.Жумабоевнинг “Эй кўнгил” шеърдан олинган).

34. Кўзи ожиз альпинист ким ва у ҳақида нималарни биласиз?

(Америкалик Эрик Вейхенмеер Эверест чўққисини забт этган кўзи ожиз альпинист. У 8848 метр баландликка эга бўлган қорли чўққини забт этган).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан яқунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа-тўлиқлиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига тарихчилар, филологлар, файласуфлар, мусаввирлар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, шоирлар ва ёзувчилар, санъаткорлар, шунингдек,

хотин-қизлар кўмитаси раҳбарлари, кўзи ожизлар жамияти ходимлари киритилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлар тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

**«Жонкуяр кутубхоначи» кўрик танловини ташкил этиш**

Танлов босқичи	Шакли	Фаолият таркиби
<p>I. <u>Босқич</u> Ташкилий ишлар</p> <p>II. <u>Босқич</u> Саралаш босқичи</p> <p>III. <u>Босқич</u> Кўрик танловни ўтказиш. I. Тур</p>	<p>«Жонкуяр кутубхоначи» кўрик танлови низоми.</p> <p>Менинг касбий ва ижодий ютуғим</p> <p>«Танишув» танлов иштирокчисининг танишиш тақдимоти</p>	<p>Кўрик танлов низомини тайёрлаш ва тасдиқлаш, танлов вазифалари ва шароитларини тайёрлаш.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Менинг энг яхши кўрғазмам</li> <li>2. Менинг мутахассислик кодексим</li> <li>3. Менинг ижодий режам</li> <li>4. Энг яхши адабиётлар байрами мавзусидаги реклама варақаларини безаклар билан тайёрлаш.</li> </ol> <p align="center">А) Қисқа савол жавоблар</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Касбий шиорингиз!</li> <li>2. Ёқтирган афоризмингиз?</li> <li>3. Сиз ёқтирган идеал кутубхоначи</li> </ol>

<p>II. Тур</p>	<p>Танловни кўргазма ли тадбирига даъвогарлар</p> <p>Танловнинг беллашув қисми</p>	<p>4. Севимли журналингиз</p> <p>5. Севимли китобингиз</p> <p>6. Ўзингиз ҳақингизда мақола ёзмоқчи бўлсангиз қандай номлар эдингиз.</p> <p>7. Севимли машғулотингиз</p> <p>8. Касбдошларингизга тилақларингиз Б)“Танишув: ”Ижозат беринг: Мен....</p>
<p>III. Тур</p>	<p>Тантанали тақдимот</p>	<p>1. Китобхонларга библиографик кўрсаткич- ни таништириш.</p> <p>2. Кутубхона тарғиботида фольклор анъаналаридан фойдаланиш.</p> <p>3. Мен ёқтирган қаҳрамон.</p>
<p>IV. <u>Босқич</u> Яқуний қисм</p>		<p>1. Реклама «Энг чиройли китоб»</p> <p>2. Энциклопедик тур «Янги касбий сўзлар луғати»</p> <p>3. Ҳажвий тур «Адабий дебют»</p> <p>4. Мен ХХІ аср кутубхонасига қиряпман.</p>

		<p>Танлов иштирокчиларини куйидаги ўринлар билан тақдирлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- Ижодий ва касбий маҳорати учун</li><li>- Дебют (энг ёш иштирокчи)</li><li>- Жонкуяр кутубхоначи.</li></ul>
--	--	--

## Адабиётлар

Воронцов В. Тафаккур гулшани /Таржимон Ш. Абдураззокова.-Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти,1989.-464 б.

Китобхонлик куни: День чтения: Book day: [Тўплам] /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчилар: М. Рахматуллаев, А.Умаров, И.Маминова ва бошқ.-Т.,2004.-42 б.

Мамлакатнинг янги ахборот ресурслари // Халқ сўзи.-2004.-5 нояб.

Меликулова С. Китобхонлик кунлари ўтказилди //Моҳият.-2004.-1окт.

Нашр электрон каталогда:[Ўзбекистон Миллий к-наси нодир китоблар бўлимида сақланаётган “Туркистон тўплами”нинг электрон каталогига киритилганлиги ҳақида]//Халқ сўзи.-2003.-29 июль

Умаров А. Кутубхона фаолияти ва мутолаа маданияти // Жамият ва бошқарув.-2004.-№1.-Б.14-18

## Мундарижа

Муқаддима.....	3
Мутолаа байрами.....	4
Кутубхона электрон ресурслари намоиши.....	12
«Меҳр қолур, мурувват қолур» номли тадбир сценарийси.....	14
С П И Д – ХХІ аср ўлати ҳақида нималарни биласиз?.....	19
Спорт тинчлик ва дўстлик элчиси.....	24
Матонатли инсонлар.....	28
Кўзи ожизлар фаолиятининг ўтмиши ва бугунини биласизми?.....	33
«Жонқуяр кутубхоначи» кўрик танлови.....	43
Адабиётлар.....	46

Босишга рухсат этилди “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2005 йил  
Бичими \_\_\_ нашр. т. \_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_

---

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер  
Навобий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
босмахонасида чоп этилди